

# Даъватчилар, ихлос!

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]

*Шайх Аҳмад Саййид*

**Таржимон:** *Абу Жаъфар ал-Бухорий*

**Нашрга тайёрловчи:** *Абу Абдуллоҳ Шоший*

2013 - 1434

IslamHouse.com

# إخلاصكم يا دعاة الأسلام!!

« باللغة الأوزبكية »

الشيخ أحمد السيد

ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

2013 - 1434

IslamHouse.com

## *Бисмиллаҳир роҳманир роҳим*

Оллоҳ таолога ҳамду санолар, Расулуллоҳга салавоту саломлар бўлсин!

Сўнг ...

Талайгина одамлар борки, улар буюк ишларни қилишга, куч ва қудратини ўзи рўёбга чиқаришни орзу қилган ишларини амалга ошириш учун фидо этишга ва ҳатто, мақсадга интилиш ва ниятни тузатиш учун қалбнинг тубларига эътибор бермай улкан муваффақиятларни қўлга киритишга қодир бўлсада, лекин, эртасига қилган амаллари беҳуда кетиши мумкин. Ибрат – амалларнинг кўплиги ёки ҳажмининг катталигида эмас, аксинча, оз бўлсада қалбдан келиб чиқишидадир.

Сизга бир мисол келтираман. Унда Оллоҳ таоло буюк амаллар ҳам ҳам яроқсиз бўлиб қолишидан хабар бермоқда. Бунинг сабаби риёкорлик, мақтов ва одамлар оғзидан тушмаслик иштиёқидир:

**«(Зотан) Биз улар қилган ҳар бир (яхши) амалга келиб, уни сочилган тўзон (каби) қилиб қўйгандирмиз» (Фурқон: 23).**

Ҳа, ният митти нарсани катта ҳасанотга ҳамда савобу яхшиликлар билан лаззатланишга айлантиради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу маънони Маккадан Мадинага ҳижрат қилиш асносида очик мисол ва жонли ҳодиса билан тушунтириб, ҳижратнинг асоси мақсадга боғлиқ эканини баён қилдилар ва бу баёнотларининг сарлавҳасини куйидагича қўйдилар: *«Амаллар ниятга кўрадир. Ҳар бир кишига ният қилган нарсасидир. Кимнинг ҳижрати Оллоҳ ва Расули учун бўлса, унинг ҳижрати Оллоҳ ва Расули учундир. Кимнинг ҳижрати эришадиган дунё ёки уйланадиган хотин бўлса, унинг ҳижрати мақсадигадир»* (Муттафакун алайх).

Салаф уламолари – Оллоҳ улардан рози бўлсин! – бу маъноларни тушунишгач, ўз авлодларига ҳам тушунтирдилар ва ният тушунчаси барқарор бўлиши учун ғофил нафсларни уйғотдилар. Абдуллоҳ ибн Муборак раҳимахуллоҳ: «Талайгина кичик амаллар борки, уларни ниятлар буюк қилади. Талайгина катта амаллар борки, ниятлар уларни кичик қилади», – деган.

## ◆ Ихлоснинг маъноси

Ихлос – даъватчининг ўзидан содир бўлаётган барча иш ва қавллар билан Оллоҳ таолони, Унинг ризосини ва қийматли савобларини ўлжа ёки обрў ёхуд унвон ёда пешволик ёки қоқоқликка аҳамият бермай, қуйидаги оятни кўз олдидан қочирмай, қасд қилишидир:

«**Айтинг** (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **«Албатта, намозим, ибодатларим, ҳаёту мамотим бутун оламларнинг Парвардигори бўлмиш Оллоҳ учундир. У зотнинг биронта шериги йўқдир. Мана шунга** (яъни ягона Оллоҳга ихлос-ибодат қилишга) **буюрилганман»** (Анъом: 162, 163).

Салафлардан бири: «Ихлос – диннинг руҳи, ибодатнинг мағзи ва Оллоҳга чорловчи барча одамнинг пойдеворидир», – деган.

Оллоҳ йўлига чорлаётган даъватчи ниятни Оллоҳ учун холис қилиши, савобни Оллоҳнинг ўзидангина умид қилиши, дунёни охират бадалига сотиб олмаслиги керак. Унга, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги ҳадисларида берган

мужданинг ўзи етарлидир: «Сиз туфайли бир одамнинг ҳидоятга кириши, сизга, қизил юнгли туяларингиз бўлишидан кўра яхшироқдир» (Муттафақун алайҳи: Имом Бухорий 2942).

Оллоҳ йўлига чорлаётган даъватчи ўзиники бўлмаган ишга кўз олайтирмасин! Наҳотки, у, Оллоҳ таоло барака ёғдирмайдиган ишга кўз олайтирса?! ...

Сиз ушбу мисолга диққат билан қаранг: мужоҳид, фикҳ билимдони ва Қуръонни ёдлаган қори жаҳаннамга киради. Нега?!!

Буни тасаввур қилиш мумкинми?! Бир мужоҳид Ислом байроғи остида, Ислом динининг номи билан, ўнг кўлида Қуръон, чап кўлида эса ўқотар қурол кўтариб, ўзининг мужоҳидлар каби муборакли сулоладан эканини билдириб, жар солади. Бу одам қандай қилиб жаҳаннам аҳлига айланади?! Бундан кўра ҳайратлиси, тунларини бедор ўтказиб таълим олган ва одамлар бармоқлари билан ишора қилиб кўрсатадиган олимга айланган ҳатто: Агар саволингиз бўлса фалончидан сўранглар, сизларга тушунтириб беради, – дейишган олим. Учинчиси эса Оллоҳнинг Китобини ёд олган, уни тажвид билан тиловат ва тафсир қилган олим!! Бу учови жаҳаннамга кирган

илк одамлардир!! (Ҳа), улар жаҳаннамга илк кирган ва унга юзлари билан судраб олиб бориб ташланган кимсалардир?! Бунинг сабаби нима?!

Жавоб: ушбу ҳадисга кулоқ солинг: Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қиёмат кунда илк сарҳисоб қилинадиган одам, шаҳид қилинган одамдир. Уни олиб келинади ва (Оллоҳ) унга неъматларини танитади ва у танийди. (Оллоҳ): Бу неъматлар билан нима ишлар қилдинг?, – деб сўрайди. У: Мен Сенинг йўлингда шаҳид бўлгунимча жанг қилдим, – дейди. (Оллоҳ таоло): Ёлгон айтдинг! Сен: «Қўрқмас!» деб айтилиши учун жанг қилдинг ва шундай дейилди ҳам!, – дейди. Амр қилинади ва уни юзи билан ерда судраб, жаҳаннамга улоқтирилади. Илм олган ва уни ўргатган ва Қуръон ўқиган одамни олиб келинади ва (Оллоҳ) унга неъматларини танитади ва у танийди. (Оллоҳ): У неъматлар билан қандай амал қилдинг?, – деб сўрайди. У: Илм олдим ва уни ўргатдим. Сен учун Қуръон ўқидим!, – дейди. (Оллоҳ): Ёлгон айтдинг! Сен илмни: «Олим!» дейлиши учун олдинг. Қуръонни: «Қори!» дейлиши учун ўқидинг ва шундай дейилди, – дейди. Сўнгра унга буйруқ берилади ва уни юзи билан судралиб жаҳаннамга улоқтирилади. Ва Оллоҳ таоло барча

*бойликни ато этган одамни олиб келинади. (Оллоҳ) унга неъматларини танитади ва у (ҳам) танийди. (Оллоҳ таоло): Уларни нима қилдинг?, – деб сўрайди. У: Сен сарф этилишини суйган барча йўлларда Сен учун инфоқ қилдим, – деб жавоб беради. (Оллоҳ): Ёлгон гапирдинг! Сен: «Бу одам саховатпеша!» дейлиши учун (инфоқ) қилдинг ва шундай дейилди, – дейди. Унга буйруқ берилади ва уни юзи билан судралиб жаҳаннамга улоқтирилади» (Имом Муслим 5032).*

Риёкорлик иллатларидан қутилиши ва ўзини Оллоҳ таолонинг ҳузурида риёкорлик оқибатларидан қутқариши учун, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даъватчини Оллоҳ таолога ушбу дуо билан таважжуҳ қилишга буюрди: *«Оллоҳим, Сенга билиб туриб ширк келтиришдан сизинаман ва билмаган нарсаларимни мағфират қилишингни умид қиламан!»* (Имом Бухорий «ал-Адабул муфрад» 716. Аллома Албоний раҳимаҳуллоҳ бу ҳадисни саҳиҳ деган).

Даъватчи ўзини доимо сарҳисоб қилиши, ҳар бир ишда солиҳ ниятли бўлиши керак. Бу ҳақда салафлардан бири шундай деган: «Мен барча ишларда, жумладан, ейишим, ичишим, ухлашим ва



хатто ҳожатхонага киришмда ҳам яхши ниятли бўлишни суяман».

Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ айтди: «Оллоҳ номига онт ичиб айтаманки, мўминни ўзини маломат қилганини ва: Мен гапим билан ... ёки ейишим билан ... ёхуд гапим билан ... ни назарда тутмаган эдим, деяётганини, фосикнинг эса ҳар қадамини ўзини маломат қилмай босаётганини кўрамиз».

Маймувн ибн Муҳрон раҳимаҳуллоҳ айтди: «Банда нафсини шерикнинг шеригига қилган сарҳисобидан кўра қаттиқроқ сарҳисоб қилмагунича тақводор бўла олмайди».

Бу назорат бизга инсоннинг барча ишлари Оллоҳнинг олдида очик намоён эканини ҳамда унинг ҳеч бир тарафга боқа олмаслигини сездиради. Сиз, Оллоҳ таолонинг бизга қилган нидосига қулоқ солинг:

**«Эй мўминлар, Оллоҳ ва Унинг пайғамбарига хиёнат қилмангиз ва билган ҳолингизда сизларга ишониб берилган нарсаларга (яъни, динга ва бошқа ҳар қандай омонатларга) хиёнат қилмангиз!»**  
(Анфол: 27).

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳу айтди: «**«Омонатларингизга хиёнат қилмангиз!»**» (Анфол: 27) омонат – Оллоҳ таоло бандаларига омонат қўйган амаллар – суннатлардир ва уларга хиёнат – Оллоҳнинг маъсиятини қилишдир».

Суддий раҳимахуллоҳ айтди: «(Бандалар) Оллоҳ ва Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га хиёнат қилсалар, омонатларига хиёнат қилган бўладилар».

Даъватни етказиш омонат эканида ҳеч шубҳа йўқ. Шунинг учун даъватчи даъватни Қуръон ўргатган услубда ҳикмат, гапиришда насиҳат ва гўзал нарсалар билан мунозара қилиш услубида олиб бориши вожибдир.

Даъватчи даъватида самимий бўлса, риёкорлик, хўжакўрсинлик ва ўзини кўрсатишдан қутилади.

Алий разияллоҳу анҳу айтди:

«Риёкорнинг тўртта аломати бор: ёлғиз қолса танбаллашади, одамлар ичида фаоллашади, мактов эшитса амални кўпайтиришга, эшитмаса камайтиришга ҳаракат қилади»;

«Амалнинг озига эмас, қабул бўлишига эътибор беринглар!».

Агар даъватчида ушбу хулқ тўқис бўлса, уни имкониятида бўлган барча нарсасини Оллоҳ йўлидаги даъватда сарф этишга ундайди ҳамда Оллоҳнинг мадади, қуввати, тавфиқи ва нусратига сабаб бўлади-да, нажот ва муваффақият юзага келади.

«Биз Ислом дини ва даъвати учун ҳаракат қилмоқдамиз!» дея ҳайкираётган даъватчилар ўзларини текшириб кўришлари шарт: Улар ҳақиқатан ҳам йўлда тўғри қадамларни ташлашяптими ёки дунё ва мансаб илинжидамилар?!

Вазифалари уларга қилаётган ишлари, фидойиликлари ва ажралиб туришлари Оллоҳ учун эканини кўнгилларининг тубларида ҳис этишни масъулият қилиб юклайди. Оллоҳ таборака ва таоло бу ҳақда шундай дейди: *«Мен шериклардан бутунлай беҳожат бўлган Зотман. Мен билан бирга бошқасини бирон ишда шерик қилган одамни қилган шериги билан ташлаб қўяман»* (Имом Муслим, 7666).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *«Оллоҳ азза*

*ва жалла айтди: Мен шериклардан бутунлай беҳожат бўлган Зотман. Ким Менга бошқани шерик қилиб амал қилса, Мен ундан безорман ва у (ўзи)ширк келтирган Зотникидир» (Ибн Можа, 4202. Аллома Албоний раҳимахуллоҳ бу ҳадисни саҳиҳ деган).*

Баъзи донолар шундай дейишган: «Ибодатларни риёкорлик ва бошқалар эшитиши учун қилган одамнинг мисоли, бозорга чиқиб чўнтагини тошлар билан тўлдирган ва одамлар: Бу одамнинг чўнтаги нақадар қаппайган экан-а?! деган одамга ўхшайди. Унга чўнтагини қаппайтириши ҳақида одамларнинг гапирган шу гапидан бошқа бирон манфаат йўқдир».

### **◆ Даъват, фақатгина, Оллоҳнинг сўзи олий бўлиши учун бўлиши шарт!**

Биз мисол ўлароқ олган ҳадис булоғидан отилган буюк маънолар, даъватчилардан талаб қилинган катта ишоратлар: Биз нега курашаяпмиз?! – деган савол олдида бир оз тўхташдир.

Жонлари, вақtlари, қаламлари, хутбалари билан курашаётган, кучларини аямаётган ва фидоийлик кўрсатаётган даъватчиларга қуйидагича жавоб бордир:

Абу Мусо Ашъарий разияллоҳу анҳу ривоят қилади: Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламга: Қаҳрамонлик кўрсатиш, ҳамият ва риёкорлик учун жанг қилаётган одамлар ҳақида савол берилди ва: Буларнинг қайси бири Оллоҳнинг йўлидадир?, – дейилди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам бу саволга: *«Оллоҳнинг сўзи олий бўлиши учун жанг қилган киши, Оллоҳ азза ва жалланинг йўлидадир!»* – деб жавоб бердилар (Муттафақун алайҳ: Имом Бухорий 123, Имом Муслим 5029).

Оллоҳ таоло:

**«Ким нақд (дунё)ни кўзловчи бўлса, Биз (шу дунёда улардан) Ўзимиз истаган кимсалар учун Ўзимиз хоҳлаган нарсани нақд қилиб берурмиз»,** – деди (Исро: 18). Яъни, ким қилаётган амали билан дунёни назарда тутиб, охират савобини хоҳламаса, бу дунёда хоҳлаган бандамизга истаганича дунё матоларини берамиз...

Салафлардан бири шундай деди: «Ким ихлоссиз тер тўкса, қилган иши фойда бермайди».

Бошқаси эса бундай деган: «Амал қилсанг ихлос қил! Амалларингга бутунлигича қарама! Ҳолингга

войлар бўлсин, Оллоҳ таоло амални махлуқларини назарда тутиб эмас, Оллоҳни назарда тутиб қилинсагина қабул қилади! Ҳолингга войлар бўлсин, сен махлуқларни назарда тутиб эмас, Оллоҳни назарда тутсангина қабул қилади!».

Молик ибн Динор раҳимаҳуллоҳ айтди: «Содик бўлмаган одамга: «Муқояса эта олмади!» – денглар».

Муҳаммад ибн Восеъ раҳимаҳуллоҳ айтди: «Салафлардан бири йигирма йил (Оллоҳ учун) йиғлаган бўлсада, ёнидаги хотини уни эшитмаган».

Шунинг учун ихлоснинг давоси нафс насибасини синдириш, дунёга бўлган тамаъдан қайтариш ва қалбга ғолиб бўладиган даражада охиратга берилишдир. Чунки у, ихлосни оснлаштиради. Одамлар қийналадиган қанча амаллар борки, улар бу амали билан Оллоҳ таолога холис эканини гумон қилади ва алданади. Чунки у, бу ишдаги офатни кўра олмайди.

Оллоҳ йўлига чорлаётган даъватчи, даъвати Роббул олабийн бўлган Оллоҳ таолога холис бўлиши учун бу нозик мавзунини текшириб туриши ва доим:

**«Мен сизлардан бу (даъватим) учун ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори Оллоҳнинг зиммасидадир»** (Шуаро: 109) оятини эслаб юриши керак.

Ва яна шундай деймиз: даъватчи нияти Оллоҳ учун бўлмаса бирон мунозарани бошламаслиги лозим. Мақсад, мунозара муносабати билан ўз маҳоратини кўрсатиш эмас. Бунга табиий ўлароқ, самимий ниятни бузадиган барча нарсадан эҳтиёт бўлиши ҳам керак. Шу боис даъватчининг мунозарани бошлашдан илгари ниятини текшириб кўриши ва: Бу мунозарадаги ниятим Оллоҳ учун холисми? Бу мунозара ... ми ёки ... ми?, – дея савол бериши керак.

Агар даъватчи мунозара асносида нафсининг ўзгаргани, жанжал ва тортишув, ўжарлик ва душманлик муҳитига киргани ва нияти Оллоҳдан бошқасига айланганини ҳис этса, мунозарани давом эттиришдан воз кечиб, уни тўхтатиши шартлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқчимиз.

## ◆ Ихлоснинг фойда ва самаралари

Ихлоснинг энг катта самараси, Оллоҳ розилигининг қўлга киритишдир:

**«Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани (унга) шерик қилмасин! (Яъни, қиладиган барча амалларини ёлғиз Оллоҳ учун қилсин)» (Каҳф: 110).**

Яъни, Оллоҳ таолога яхшилик, неъмат ва ризоси билан дуч келишни орзу қилган банда, ихлос қилиши керак. Агар Оллоҳ таоло сиздан рози бўлса, қуйидаги самараларни қўлга киритасиз:

- 1) Раббоний мадад.
- 2) Машаққат ва қийинчиликлардан кутилиш.
- 3) Устиворлик, хотиржамлик ва қалб таскини.
- 4) Мухлис одам атрофидаги кўнгиллар бирлиги.



Абу Зарр разияллоҳу анҳу айтди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: Биров яхшиликларни қилса, одамлар уни мақташади. Сиз бунга нима дейсиз?, – деб савол берилганида: «*Ўша, мўмин муждасининг нақдидир*», – деб жавоб бердилар (Имом Муслим, 6891).

Ибн Жавзий раҳимахуллоҳ айтди: «Оллоҳ номига онт ичиб айтаманки, мен намоз, рўза, хомушлик, ўзи ва либосидаги хушуси кўп бўлган, бироқ, кўнгиллар қолган, қалбларда ўрин ола олмаган инсонларни ҳам, башанг кийинган, нафл ибодатларни кўп қилмаган ва хушуси бўлмасида, кўнгиллар унинг муҳаббати билан яйраган одамларни ҳам кўрдим. Сўнгра, бунинг сабаби нимада эканини текшириб, унинг сабаби ички дунё эканини топдим. Чунки ички дунёсини ислоҳ қилган одамнинг фазилати ширин ҳидларни таратади ва кўнгиллар унинг бўйига талпинади. Ички дунёга жуда ҳам эҳтиёт бўлинглар! Чунки унинг бузилиши билан ташқи кўринишларнинг салоҳияти фойда бермайди».

5) Ҳикмат, тўғри фикрлилик, ишларга тўғри баҳо бериш қобилиятига эга бўлиш. Оллоҳ таоло айтди:

**«Эй мўминлар, агар Оллоҳдан қўрқсангизлар, У, сизлар учун ҳақ билан ноҳақни ажратадиган ҳидоят ато қилур»** (Анфол: 29).

6) Расво ва шармандалиқдан қутилиш сабаби. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ким (амалини) эшиттирмоқчи бўлса Оллоҳ унинг донгини таратади. Ким кўрсатмоқчи бўлса, Оллоҳ уни кўрсатиб қўяди»* (Муттафақун алайҳ: Имом Бухорий 6499, Имом Муслим 7677).

7) Ният ёмонликдан саломат бўлса, аъзоларнинг барчаси ёмонлик ва гуноҳга журъат қилишдан тийилади. Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: *«Унутманглар, танада бир аъзо борки, у тузалса бутун тана тузалади. Агар у бузулса бутун тана бузилади! Унутманглар, у – қалбдир!»* (Муттафақун алайҳ: Имом Бухорий 52, Имом Муслим 4178).

8) Ниятни яхши қилиш билан даъватчининг гаплари пурмаъно бўлади. Оғзидан одамларни жамлайдиган пурмаъно гавҳарлар чиқади. Салафлардан бири бу ҳақда шундай деган: *«Ички дунёнинг тўғри бўлса, тилинг пурмаъно бўлади».*

Хурматли биродар, Оллоҳ таолога етишиш учун Оллоҳга ихлос ила Оллоҳнинг баракалари билан йўлда давом этинг! Ният холис бўлса Оллоҳ сиздан рози бўлиб, мукофотларини мўл қилади ва устингиздан неъматларини ёғдириб, сизга иззату икромларда бўлади. Яхшиликларингиз ҳам ортиб боради, ёмонликлар эса ўчирилади ва сиз қуйидаги сўзларни эшитасиз:

**«Сизларга тинчлик-омонлик бўлсин! Хуш келдингиз! Бас унга мангу қолгувчи бўлган холларингизда кирингиз» (Зумар: 73).**